



Янги йил қувончи

Президент совғалари сурхондарёлик болажонларга олам-олам шодлик бағишлади

Янги йил тантаналари Сурхондарё вилоятида ҳам ўзгача руҳда шодиёна қилинди. Туман ва шаҳар марказларида безатилган яшил арчалар атрофидаги шўх куй-қўшиқлар, жажжи ўғил-қизлар ижросидаги сахна кўринишлари йиғилганларга бир дунё қувонч улашди.

Байрамнинг асосий тадбири вилоят маркази Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернати тарбияланувчилари «Турон» тўйхонасида жамулжам бўлди. Болажонларга байрам дастурхони ёзилди. Келажагимиз ворисларини Сурхондарё вилояти ҳокими Нормўмин Чориев чин дилдан табриклади. Беш юз нафарга яқин ўғил-қизларга Президент совғалари топширилгани мурғак қалбларга бир олам қувонч бахш этди. Эртак қахрамонларнинг чиқишлари, айниқса, — Қорбобо ва Қорқиз ташрифи болалар қувончини янада оширди.

— Бугун мен ва тенгдошларимиз учун унутилмас кун, — дейди 12-вилоят Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Комила Жабборова. — Президент бобомиз юборган совғалардан жуда хурсанд бўлдим. Уқув қуроллари ва ширинликлар бор экан. Қорбобо ва Қорқиз билан рақсга тушдик. Байрамлар жуда кўп бўлишини хоҳлардик...

Дарҳақиқат, бундай эътибор ва ғамхўрлик келажагимиз ворислари қалбига болаликнинг энг беғубор ва ёрқин онлари бўлиб муҳрланиб қолиши шубҳасиз...

(Ўз мухбиримиз.)

Бандлик

Қўшма корхона

янги йилдан иш бошлади

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида коммунал соҳа истиқболга хизмат қиладиган янги «Aljueil» қўшма корхонасига асос солинди.

Мазкур корхонада эндиликда юқори калорияли кўмир брикетлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг харидори кўп, таннархи арзон, ташшига қўлай. Ишлаб чиқариш технологияси ҳам содда — ёқишга яроқсиз деб қаралган оддий кўмир кукуни махсус технология ёрдамида қайта ишланиб, брикет ҳолига келтирилади. У фойдаланиш жараёнида ҳам тежамли, ҳам юқори ҳароратни узоқ вақт сақлаб туриш хусусиятига эга. Брикет тўлиқ ёниб бўлгандан сўнг ҳосил бўладиган кул чиқиндиси деярли йўқ ҳисобида. Ушбу технология иқтисодий жиҳатдан камсарф ҳамда экологик тоза. Бундай кўмир брикетлари-

ни бемалол экспортга чиқариш мумкин. Низом жамғармаси 1 миллион 319 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтириш борасида ишлар олиб борилаётганда. Айтиш мумкин, бу ерда соатига 10 тонна кўмир кукуни қайта ишланиб, сифатли брикет тайёрланмоқда. Келгусида корхонада соатига 50 тонна кўмир брикети ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Бугун 100 нафар киши меҳнат қиладиган бу корхонада иш ўрни янада кўпаяди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Теннис

Денисинг Австралиядagi Ғалабалари

Австралида теннис бўйича давом этаётган «Brisbane International — 2013» мусобақасида ҳамюртимиз Денис Истомин бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Дунёнинг энг кучли ракетка усталари иштирокидаги нуфузли турнирнинг дастлабки босқичида ўзбек теннисчиси саккизинчи рақамда сараланган словакиялик Мартин Клижанни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Денисининг австралиялик машҳур теннисчи Ллейтон Хьюиттга қарши ўтказган учрашуви нимчорак финалнинг энг кескин ва муросасиз беллашуви бўлди. Унда ҳамюртимиз 7:5, 7:5 ҳисобида зафар қучди.

Ярим финал йўлнамаси учун бўладиган кейинги баҳс-

да ҳамюртимиз биринчи рақамда сараланган буюк британиялик Энди Маррейга қарши қорға қолди. «Brisbane International» халқаро турнири жаҳоннинг энг кучли ракетка усталари қаторида Д.Истомин учун ҳам «Катта дубулга» туркумига кирувчи теннис оламининг энг нуфузли тўрт турниридан дастлабкиси — шу йилнинг 14-27 январь кунлари ўтказиладиган Австралия очик чемпионатига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎзХДП: устувор вазибалар



Муроббек ЭИЕ олган суратлар.

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИДА

электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этиш учун партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини бугунги кун талаби асосида йўлга қўйиш зарур

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзоларининг 2012 йил декабрь ойида ўз сайлов округларида олиб борган ишлари яқунлари таҳлил этилди. Шунинг билан бирга, «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг 2013 йилнинг «Обод

турмуш йили», деб эълон қилинишидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий вазибаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш тўғрисида»ги масала қўриб чиқилди.

Кўшма мажлисда партия Марказий Кенгаши масъул

ҳодимлари, ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия ташкилотлари ҳамда Халқ депутатлари шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг Конституцияда қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти ЎзХДП фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида кенг муҳокама этилгани қайд этил-

ди. Мазкур учрашувларда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигига эриштириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш жараёнида Конституция мустақкам ҳуқуқий асос эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Гуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда.)

АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗ

электоратнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган

⇒ 2

Малакали офицер кадрлар тайёрлаш маскани

⇒ 3



Ришод СОБИРОВ — яна дунёда тенгсиз!

⇒ 4



Муносабат

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КУЧАЙИШИ

турмуш фаровонлигининг муҳим кафолати

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтиришда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат замирида ҳам аша шу эзгу мақсад муҳассам.

Юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш борасида кенг қўлланма ислотлар олиб борилиб, давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратиладиган харажатлар миқдори йилдан-йилга орттиб бораёпти. Қўллаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори ошириладиган аҳоли даромадини кўпайтириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз халқимизга йўллаган Янги йил табригида, ўтган 2012 йилда давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратилган 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилгани, аҳолининг реал даромадлари ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ҳодимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқ-

дори ўртача 26,5 фоизга ўсганини алоҳида таъкидлади. Жорий «Обод турмуш йили»да ҳам бу ишлар изчил давом эттирилади, албатта. Қайд этилганидек, 2013 йилда аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Партияимиз ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электоратимиз манфаатига бевоқиф алоқадор бундай хайрли ишларни қўллаб-қувватлайди ва унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этади. Чунки шу орқали партияимиз электорати бўлган фуқаролар манфаати таъминланади, ҳаёти фаровонлашади. Бу ишларга муносиб ҳисса қўшиш бизнинг долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўтган 2012 йили партияимиз фаоллари ва депутатлар та-

шаббаси билан аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, фармон ва қарорлар бажарилиши ижросини ўрганиш, давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдамнинг аниқ манзиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш йўлида муайян ишлар қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги тегишли доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ қатор масалалар олиб чиқилди. Бундай ҳаракатлар партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бирок Обод турмуш йилида кўзланган мақсадларга эришиш биздан янада фаол бўлишни талаб этади. Хар биримиз фаолиятимизда йўл қўйилган ҳалти ва камчиликлар сабабларини ўрганиб, тегишли хулоса чиқариб олсак, аниқ иш режасига эга бўлсак, электорат манфаатини самарали ҳимоя этамиз. Халқимиз турмуши обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Зиёда АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Танлов

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ

билимдонлари тақдирланди

Қонунчилик палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмағида ташкил этилган мазкур танлов 2012 йил март ойидан 1 декабрга қадар давом этди.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Конституция гоёларини, қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақида атрафлича маълумот беришга қаратилган танловда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 3 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб сайти махсус саҳифасида эълон қилинган Конституцияимиз, қонунлар, парламент фаолияти

асослари, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятига оид, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тузилган саволларга жавоблар қайтаришди.

Тадбирда ғолиблар соврин ва дипломлар топширилди. Хусусан, 1-урин эгаси ноутбук, 2-3 ўринлар соҳиблари айфон ва букридер билан тақдирланди. Шунингдек, танловнинг энг фаол иштирокчиларига Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Халқ таълими вазирлигининг рағбатлантирувчи муқофотлари топширилди.

Шу кунги танлов иштирокчиларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиш бўйича экскурсияси ташкил этилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Мустаҳкам оила, обод турмуш

ЯНГИ МАРКАЗДА 3660-ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ

Мустаҳкам оила йили муносабати билан Денов туманида 160 ўринга мўлжалланган янги туғуруқ мажмуаси фойдаланишга топширилган эди.

Ушбу тиббиёт масканининг ишга тушиши деновликлар ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — дейди марказ бошлиғи Бахтиёр Дўстмуродов.

кувонч бахш этади. 2012 йилда бу ерда 3 минг 660 нафар чақалоқ дунёга келди.

Шукроналик

Истиқлолнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра 100 ёшдан ошган отахону онахонлар ҳам Ватанимизнинг олий мукофотларига муносиб кўрилди.

ҲЕЧ ҚАЙСИ ДАВРДА ОДАМ БУНДАЙ ЭЪЗОЗЛАНГАНИНИ КЎРМАГАНМАН

дейди чувтлик 112 ёшли Ачапошо момо

Президентимизнинг мени «Шухрат» медали билан мукофотлаганини эшитиб бошим кўкка етди, — дейди момо.



ҳокимлигидан, маҳалладан совға-саломлар билан йўқлашди.

Эвара, чевараларимнинг тили бурро, ақли зукколигидан ҳайратга тушаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Носиржон ДЕҲҚОНОВ ёзиб олди.



Суратда: Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Отабек Шукуров (20-рақамда).

ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА БАХТИ

Поёнига етган йил мамлакатимиз футбол ҳаётида унутилмас из қолдирди. Айниқса, Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар (U-16) терма жамоасининг Осиё чемпионати финал босқичида галаба қозониб, жаҳон чемпионати йўлланма олганлиги миллионлаб мухлисларимизга олам-олам қувонч тухфа этди.

Ўтган йил 23 сентябрь-6 октябрь кунлари Эронда ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада аввалига гуруҳ баҳсларини муваффақиятли яқунлаган ҳамюртларимиз кейинги босқичларда Жанубий Корея, Эрон ҳамда Япония терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

вожлантириш йўлида кўрсатаётган фамхўрликлари учун ўз миннатдорлигини билдираман.

лан қизикади. Гоҳ менга, гоҳида онасига кўнғироқ қилиб, ўғлимизнинг ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида фикрлашиб туради.

Тўрт фарзандимиз бор. Отабек оиламизнинг кенжаси. Ўғлимнинг олти ёшлигидаёқ футболга қизиқишини пайқаганман.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

РИШОД СОБИРОВ — ЯНА ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!

Анъанага кўра, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) йил якунларига мувофиқ, энг кучли дзюдочилар номини эълон қилади.



Ёдингизда бўлса, моҳир спортчимиз 2011 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг «Энг кучли дзюдочиси», деб эътироф этилганди.

ОБ-ҲАВО 5-6 - 01. 2013

Weather forecast table for various cities including Tashkent, Samarkand, and Buxoro.

World weather table for major cities like London, Paris, Moscow, Madrid, Beijing, etc.

ЎЗБЕКИСТОН — ГОНГКОНГ

терма жамоалари баҳсини баҳраинлик ҳакамлар бошқаради

Хабарингиз бор, навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичи 2015 йили Австралида ўтказилади.

Таквимга мувофиқ, илк учрашуви Миржалол Қосимов шогирдлари 6 февраль кuni Тошкентда гонгконгликларга қарши ўтказилади.

ланган бўлса, унга ён қанотларда ҳамюртлари Ёсир Ҳалил Иброҳим ҳамда Иброҳим Муборак Муса Солиҳ кўмаклашади.

Эслатиб ўтамам, Ўзбекистон — Гонгконг терма жамоалари баҳси 6 февраль кuni Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионида соат 18:00 да бошланади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Includes contact info for the newspaper's editorial board.

BO'LINIMLAR: Parliament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; etc.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Includes subscription rates and contact information.